

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**529 Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада содаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4933-сонли Фармони ижросига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбарлари ҳамда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда барча тоифадаги объектлар тўлиқ ҳатловдан ўтказилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган стратегик давлат мулки объектлари рўйхати ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига биноан амалга ошириладиган давлат мулки объектлари рўйхати белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Хусусийлаштирилмайдиган, стратегик давлат мулки объектларининг ягона рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига биноан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан қабул қилинадиган давлат мулки объектларини белгилаш мезонлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 2-иловасида назарда тутилган ҳамда 3-иловада назарда тутилган белгиланган мезонлар асосида давлат мулки объектларини сотиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 279-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Респуб-

ликаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 16 июнь,  
ПҚ–3067-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 16 июндаги  
ПҚ–3067-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

**Хусусийлаштирилмайдиган, стратегик давлат  
мулки объектларининг  
ЯГОНА РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат мулки объектининг номи	Худуд
<b>І. Алоҳида муҳим давлат мулки объектлари</b>		
1.	Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объектлари	
2.	Алоҳида муҳим ва категорияланган объектлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан тасдиқланадиган рўйхат бўйича	
<b>ІІ. Давлат корхоналари, хўжалик жамиятлардаги давлат улушлари (акциялар)</b>		
<b>Вазирлар Маҳкамаси</b>		
3.	«Навоий кон-металлургия комбинати» ДУК	Навоий вилояти
4.	«Восток» ДУК	Тошкент ш.
5.	«Сифат» Ўзбекистон пахтасини сертификатлаш маркази»	Тошкент ш.
6.	«Ўзмахсусимпекс» ДУК	Тошкент ш.
<b>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</b>		
7.	«Ўзбектелеком» АЖ	Тошкент ш.
8.	«Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение Маркази» ДУК	Тошкент ш.
9.	«Ўзимпексалоқа» МЧЖ	Тошкент ш.
<b>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги</b>		
10.	«Амударё ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси» ДУК	Хоразм вилояти

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Худуд
11.	«Ўза уруғчилиги» Республика маркази» ДУК	Тошкент ш.
12.	«Ўзсувэкспертиза» ДУК	Тошкент ш.
13.	«Ўзсув» ирригация тизими бошқармаси» ДУК	Тошкент ш.
<b>Ташқи ишлар вазирлиги</b>		
14.	«Ўздиптрансхизмат» ДУК	Тошкент ш.
15.	«Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси» ДУК	Тошкент ш.
16.	«Жаҳон ахборот агентлиги» ДУК	Тошкент ш.
<b>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</b>		
17.	«Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» ДУК	Тошкент ш.
<b>Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси</b>		
18.	«Картография» ДУК	Тошкент ш.
<b>Фанлар академияси</b>		
19.	«Республика радиоактив чиқиндиларни кўмиш корхонаси» ДУК	Тошкент ш.
<b>«Ўзбекнефтегаз» МХК</b>		
20.	«Ўзгеобургунфтгаз» АК	Қашқадарё вилояти
21.	«Ўзбекгеофизика» АЖ	Тошкент вилояти
22.	«Ўзбекнефтегаз» МХК	Тошкент ш.
23.	«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК	Тошкент ш.
24.	«Ўзнефтмаҳсулот» АК	Тошкент ш.
25.	«Ўзтрансгаз» АК	Тошкент ш.
<b>Марказий банк</b>		
26.	«Тошкент қоғоз фабрикаси» ДУК	Тошкент вилояти
27.	«Тошкент босма фабрикаси» ДУК	Тошкент ш.
28.	«Тошкент зарбхонаси» ДУК	Тошкент ш.
29.	«Гаров Реестри» ДУК	Тошкент ш.
30.	«Инкассация хизмати» ДУК	Тошкент ш.
31.	«Давлат белгиси» ДУК	Тошкент ш.
<b>Тижорат банклар</b>		
32.	«Халқ банки» АТБ	Тошкент ш.
33.	«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» УК	Тошкент ш.
<b>Бошқалар</b>		
34.	«Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» ДУК	Тошкент вилояти
35.	«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ	Тошкент вилояти
36.	«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ	Тошкент вилояти
37.	«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ	Тошкент ш.
38.	«Ўзэлтехсаноат» АК	Тошкент ш.
39.	«Ўзавтосаноат» АК	Тошкент ш.
40.	«Ўздонмаҳсулот» АК	Тошкент ш.
41.	«Ўзкимёсаноат» АЖ	Тошкент ш.
42.	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ	Тошкент ш.

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Худуд
43.	«Ўзбекэнерго» АЖ	Тошкент ш.
44.	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ	Тошкент ш.
45.	«Ўзбекенгилсаноат» АЖ	Тошкент ш.
46.	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	Тошкент ш.
47.	«Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК	Тошкент ш.
48.	«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК	Тошкент ш.
49.	«Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК	Тошкент ш.
50.	«Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси» ДУК	Тошкент ш.
51.	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг давлат унитар корхоналари	Тошкент ш.
52.	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	Тошкент ш.
53.	«Ўсимликлар карантини илмий маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бўйича</b>		
54.	Аэропортлар	
55.	Махсус алоқа боғланмалари	
56.	Давлат телевизион, радиоалоқа ва радиоузатиш корхоналари	
57.	Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Давлат корхоналари	
58.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхоналари	
59.	Туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхоналари	
60.	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳудудий тузилмасининг Давлат экспертиза бошқармалари	
61.	Эркин иқтисодий зоналар дирекциялари	

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 16 июндаги  
ПҚ-3067-сонли қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг қарорларига асосан давлат тасарруфидан чиқариладиган  
ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Худуд
<b>Давлат корхоналари, хўжалик жамиятларидаги давлат улуши (акциялар)</b>		
<b>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b>		
1.	«Ўзмедприбор» ДУК	Тошкент ш.
2.	«Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази» АЖ	Тошкент ш.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Т/р	Давлат мулки объектининг номи	Худуд
3.	«Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази» АЖ	Тошкент ш.
4.	«Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази» АЖ	Тошкент ш.
5.	«Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази» АЖ	Тошкент ш.
6.	«Республика ихтисослаштирилган урология маркази» АЖ	Тошкент ш.
7.	«Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази» АЖ	Тошкент ш.
8.	«Ўзтиблойиҳа» МЧЖ	Тошкент ш.
<b>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</b>		
9.	«Ўзинфоком» ДУК	Тошкент ш.
10.	«Алоқалойиҳа» ДУК	Тошкент ш.
11.	«UNICON.UZ Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» ДУК	Тошкент ш.
12.	«Республика ахборот-кутубхона маркази» ДУК	Тошкент ш.
13.	«Ўзбекистон почтаси» АЖ	Тошкент ш.
14.	«Матбуот тарқатувчи» АЖ	Тошкент ш.
<b>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги</b>		
15.	«Амударёдавсувмахсуспудрат» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
16.	«Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва маркази»	Қорақалпоғистон Республикаси
17.	«Кегейлидавсувмахсуспудрат» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
18.	«Давлат нав синаш станцияси» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
19.	«Хўжайлидавсувмахсуспудрат» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
20.	«Давлат нав синаш станцияси» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
21.	«Давлат нав синаш участкаси» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
22.	«Андижондавсувмахсуспудрат» ДУК	Андижон вилояти
23.	«Жалакудукдавсувмахсуспудрат» ДУК	Андижон вилояти
24.	«Улугнордавсувмахсуспудрат» ДУК	Андижон вилояти
25.	«Бухоро ветеринария-санитария чиқинди заводи» ДУК	Бухоро вилояти
26.	«Бухородавсувмахсуспудрат» ДУК	Бухоро вилояти
27.	Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали хузуридаги «Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази» ДУК	Бухоро вилояти
28.	«Қорақўлдавсувмахсуспудрат» ДУК	Бухоро вилояти
29.	«Ромитандавсувмахсуспудрат» ДУК	Бухоро вилояти
30.	«Шофиркондавсувмахсуспудрат» ДУК	Бухоро вилояти
31.	«Жиззах шаҳардавсувмахсуспудрат» ДУК	Жиззах вилояти

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Худуд
32.	«Учтепадавсувмахсуспудрат» ДУК	Жиззах вилояти
33.	«Мирзачўлдавсувмахсуспудрат» ДУК	Жиззах вилояти
34.	«Пахтакордавсувмахсуспудрат» ДУК	Жиззах вилояти
35.	«Косондавсувмахсуспудрат» ДУК	Қашқадарё вилояти
36.	«Касбидавсувмахсуспудрат» ДУК	Қашқадарё вилояти
37.	«Нишондавсувмахсуспудрат» ДУК	Қашқадарё вилояти
38.	«Яккабоғ давсувмахсуспудрат» ДУК	Қашқадарё вилояти
39.	«Кармана давсувмахсуспудрат» ДУК	Навоий вилояти
40.	«Навоий давсувмахсуспудрат» ДУК	Навоий вилояти
41.	«Намангандавсувмахсуспудрат» ДУК	Наманган вилояти
42.	««Сувлойиҳалаш» Наманган экспедицияси» ДУК	Наманган вилояти
43.	««Ирригация» ўрмон хўжалиги» ДУК	Наманган вилояти
44.	«Мингбулоқ давсувмахсуспудрат» ДУК	Наманган вилояти
45.	«Давлат нав синаш станцияси» ДУК	Наманган вилояти
46.	«Норинбулоқдавсувмахсуспудрат» ДУК	Наманган вилояти
47.	«Попдавсувмахсуспудрат» ДУК	Наманган вилояти
48.	«Оқдарёдавсувмахсуспудрат» ДУК	Самарқанд вилояти
49.	«Булунғурдавсувмахсуспудрат» ДУК	Самарқанд вилояти
50.	«Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази» ДУК	Самарқанд вилояти
51.	«Нарпайдавсувмахсуспудрат» ДУК	Самарқанд вилояти
52.	«Самарқанддавсувмахсуспудрат» ДУК	Самарқанд вилояти
53.	«Термиздавсувмахсуспудрат» ДУК	Сурхондарё вилояти
54.	«Қизириқдавсувмахсуспудрат» ДУК	Сурхондарё вилояти
55.	«Сурхоннасотаъмир» ДУК	Сурхондарё вилояти
56.	«Узундавсувмахсуспудрат» ДУК	Сурхондарё вилояти
57.	«Шерободдавсувмахсуспудрат» ДУК	Сурхондарё вилояти
58.	«Оқолтиндавсувмахсуспудрат» ДУК	Сирдарё вилояти
59.	«Боёвутдавсувмахсуспудрат» ДУК	Сирдарё вилояти
60.	«Гулистондавсувмахсуспудрат» ДУК	Сирдарё вилояти
61.	«Бўқадавсувмахсуспудрат» ДУК	Тошкент вилояти
62.	«Юқоричирчиқдавсувмахсуспудрат» ДУК	Тошкент вилояти
63.	«Янгийўлдавсувмахсуспудрат» ДУК	Тошкент вилояти
64.	«Богдоддавсувмахсуспудрат» ДУК	Фарғона вилояти
65.	«Фарғонадавсувмахсуспудрат» ДУК	Фарғона вилояти
66.	«Боготдавсувмахсуспудрат» ДУК	Хоразм вилояти
67.	«Хоразмдренаж» ДУК	Хоразм вилояти
68.	«Урганчдавсувмахсуспудрат» ДУК	Хоразм вилояти
69.	«Қушқўпирдавсувмахсуспудрат» ДУК	Хоразм вилояти
70.	«Ҳазораспдавсувмахсуспудрат» ДУК	Хоразм вилояти
71.	«Янгибозордавсувмахсуспудрат» ДУК	Хоразм вилояти
72.	«Ўзмахсуссувқурилиш» ДУК	Тошкент ш.

Т/р	Давлат мулки объектининг номи	Худуд
73.	«Тошкент магистрал канали бошқармаси» ДУК	Тошкент ш.
74.	«Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш лойиҳасини амалга ошириш агентлиги» ДУК	Тошкент ш.
75.	«Ўзсувлойиҳа» ДУК	Тошкент ш.
76.	«Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-тадқиқот маркази» ДУК	Тошкент ш.
77.	«Тошкент вилояти ичимлик сув ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва бошқариш трести» ДУК	Тошкент ш.
78.	«Ўзгипроўрмонлойиҳа» ДУК	Тошкент ш.
79.	«Ўзсувхорижийқурилиш» ДУК	Тошкент ш.
80.	«Ўззооветтаъминотхизмат» ДУК	Тошкент ш.
81.	«Ўзсувлойиҳа» АЖ	Тошкент ш.
82.	«Сувсаноатмаш» АЖ	Тошкент ш.
83.	«Сувмаш» АЖ	Тошкент ш.
84.	«Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖ	Тошкент ш.
<b>Ташқи савдо вазирлиги</b>		
85.	«Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси» ДУК	Тошкент ш.
86.	«Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ	Тошкент ш.
87.	«Ўзсаноатэкспорт» АЖ	Тошкент ш.
88.	«Ўзбекэкспертиза» АЖ	Тошкент ш.
89.	«Ўрта Осие транс» АЖ	Тошкент ш.
90.	«Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ	Тошкент ш.
<b>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</b>		
91.	«Банк-технологиялари» ДУК	Тошкент ш.
92.	«Юқори технологиялар ўқув-тажриба маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Ташқи ишлар вазирлиги</b>		
93.	«Кўчмас мулк билан ишлаш дирекцияси» ДУК	Тошкент ш.
94.	«Ambassador» ДУК	Тошкент ш.
<b>Маданият ишлари вазирлиги</b>		
95.	«Маданият ва дам олиш маркази « ДУК	Чирчиқ ш.
96.	«Томоша» болалар мусиқали театр студияси» ДУК	Тошкент ш.
97.	«Сугдиёна» давлат миллий оркестри» ДУК	Тошкент ш.
98.	«Шош ижодкорлари» ДУК	Тошкент ш.
99.	«Ёшлар маданият ва санъат маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Халқ таълими вазирлиги</b>		
100.	«Ўқувчи» ўқув-ишлаб чиқариш тажриба хўжалиги» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
101.	«Республика илмий-педагогик кутубхонаси» ДУК	Тошкент ш.
<b>Молия вазирлиги</b>		
102.	«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ахборот ҳисоблаш маркази»» ДУК	Тошкент ш.
103.	«Ўзмелиомашлизинг» ДУК	Тошкент ш.

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Ҳудуд
<b>Адлия вазирлиги</b>		
104.	«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги</b>		
105.	«Тўямуюн-Нукус» минтақалараро сув таъминоти тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
106.	«Сувсоз» ДУК	Тошкент вилояти
107.	«Кўп қаватли уйлар, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш инжиниринг компанияси» ДУК	Тошкент ш.
108.	«Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш инжиниринг компанияси» ДУК	Тошкент ш.
109.	«Тошиссиққуввати» ДУК	Тошкент ш.
110.	«Тошшаҳарнур» ДУК	Тошкент ш.
111.	«Тошкентлифтхизмати» ДУК	Тошкент ш.
112.	«Махсустрас» ДУК	Тошкент ш.
113.	«Тошкент фаввораси» ДУК	Тошкент ш.
114.	««Дамхўжа» минтақалараро сув таъминоти тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси»	Тошкент ш.
115.	«Ўзбеккоммуналлойихақурилиш» ДУК	Тошкент ш.
116.	«Коммуналўқув» ўқув-услубий маркази» ДУК	Тошкент ш.
117.	«ТошуйжойЛИТИ» АЖ	Тошкент ш.
118.	«Тошкент вилояти Чимён-Чорвоқ рекреация ҳудуди минтақалараро сув таъминоти тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси» ДУК	Тошкент вилояти
119.	«Тўямуюн-Урганч» минтақалараро сув таъминоти тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси» ДУК	Хоразм вилояти
120.	«Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК	барча ҳудудларда
121.	Сув таъминоти давлат корхоналари ва муассасалари	барча ҳудудларда
122.	Иссиқлик таъминоти давлат корхоналари ва муассасалари	барча ҳудудларда
<b>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси</b>		
123.	«Ўзэкспомарказ» АЖ	Тошкент ш.
<b>Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси</b>		
124.	«Ягона буюртмачи хизмати» ДУК	Тошкент ш.
125.	«Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК	Тошкент ш.
126.	«Қурилиш соҳасидаги менежерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази» ДУК	Тошкент ш.
127.	«ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК	Тошкент ш.
128.	«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК	Тошкент ш.
129.	«Ўзоғирсаноатлойиха» АЖ	Тошкент ш.
130.	«Ташгипрогор» АЖ	Тошкент ш.
131.	«Ўзенгсаноатлойиха» МЧЖ	Тошкент ш.
132.	«Ўзгазлойиха» МЧЖ	Тошкент ш.
133.	«Йўл-лойиха бюроси» МЧЖ	Тошкент ш.
134.	«ЎзГИП» МЧЖ	Тошкент ш.
135.	«Ўзбеккоммунал-лойихақурилиш» МЧЖ	Тошкент ш.
136.	«СувсаноатфуқароЛИТИ» МЧЖ	Тошкент ш.

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Худуд
137.	«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ	Тошкент ш.
138.	«Курилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш давлат институти» ДУК	Тошкент ш.
<b>Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси</b>		
139.	«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» ДУК	Тошкент ш.
140.	«Фонд бозорининг ахборот-ресурслар маркази» ДУК	Тошкент ш.
141.	«Миллий мултилистинг тизими» ДУК	Тошкент ш.
142.	«Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бинолари мажмуасидан фойдаланиш дирекцияси» ДУК	Тошкент ш.
143.	«Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК	Тошкент ш.
144.	«Приватинфорсистем» ДУК	Тошкент ш.
145.	«Фонон» ДУК	Тошкент ш.
146.	«Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси</b>		
147.	««Ўздаверлойиҳа» ер тузиш бўйича илмий-лойиҳалаш институтининг Қорақалпоқ бўлими» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
148.	««Ўздаверлойиҳа» ер тузиш бўйича илмий-лойиҳалаш институтининг Навоий бўлими» ДУК	Навоий вилояти
149.	««Ўздаверлойиҳа» ер тузиш бўйича илмий-лойиҳалаш институтининг Хоразм бўлими» ДУК	Хоразм вилояти
150.	«Ўздаверлойиҳа» ДУК	Тошкент ш.
151.	«Геоинформкадастр» ДУК	Тошкент ш.
152.	«Геодезия и картография миллий маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш давлат қўмитаси</b>		
153.	««Эко-энергия» Илмий татбиқ этиш маркази» ДУК	Тошкент ш.
154.	«Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» ДУК	Тошкент ш.
155.	«Махсус таҳлилий назорат маркази» ДУК	Тошкент ш.
156.	Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги «Давлат экология экспертизаси маркази» ДУК	Тошкент ш.
157.	«Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштиртиш маркази» ДУК	Тошкент ш.
158.	«Бинолардан фойдаланиш ва калитал қурилиш дирекцияси» ДУК	Тошкент ш.
159.	«Давлат экология экспертизаси маркази» ДУК	барча ҳудудларда
160.	«Тоза худуд» ДУК	барча ҳудудларда
<b>Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси</b>		
161.	«Қорақалпоқ геологик тасвирлаш излаш экспедицияси» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
162.	«Оролбўйи гидрогеология экспедицияси» ДУК	Қорақалпоғистон Республикаси
163.	«Ғарбий Ўзбекистон гидрогеологик экспедицияси» ДУК	Бухоро вилояти

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Худуд
164.	«Жанубий Ўзбекистон геологик-тасвирлаш экспедицияси» ДУК	Қашқадарё вилояти
165.	«Китоб давлат геология кўриқхонаси» ДУК	Қашқадарё вилояти
166.	«Ингичка тажриба технология экспедицияси» ДУК	Самарқанд вилояти
167.	«Марказий Ўзбекистон геологик-тасвирлаш экспедицияси» ДУК	Самарқанд вилояти
168.	«Марказий Ўзбекистон геологик-геофизика экспедицияси» ДУК	Самарқанд вилояти
169.	««Чотқол» реабилитация маркази» ДУК	Тошкент вилояти
170.	«Шарқий Ўзбекистон геологик-тасвирлаш экспедицияси» ДУК	Тошкент вилояти
171.	«Фарғона гидрогеология экспедицияси» ДУК	Фарғона вилояти
172.	«Геобуртехника» ДУК	Тошкент ш.
173.	«Геолтехтаъминот» ДУК	Тошкент ш.
174.	«Давлат геология ахборот маркази» ДУК	Тошкент ш.
175.	«Ерни масофадан зондлаш ва гис-технологиялар маркази» ДУК	Тошкент ш.
176.	«Гидроминерал ресурслар ишлаб чиқариш маркази» ДУК	Тошкент ш.
177.	«Марказий лаборатория» ДУК	Тошкент ш.
178.	«Геология тармоғи ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» ДУК	Тошкент ш.
179.	«Компьютер ва геоахборот технологияларни ривожлантириш ва жорий этиш маркази» ДУК	Тошкент ш.
180.	«Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» ДУК	Тошкент ш.
181.	«Минерал ресурслар институти» ДУК	Тошкент ш.
182.	«Гидрогеология ва инженерлик геология институти» ДК	Тошкент ш.
183.	«Геология гидроминерал ресурслар ИИЧМ» ДК	Тошкент ш.
184.	«Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати» ДУК	Тошкент ш.
185.	«Академик Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти» ДУК	Тошкент ш.
<b>Давлат солиқ қўмитаси</b>		
186.	«Хумсон санаторийси» ДУК	Тошкент вилояти
187.	«Солиқ декларацияларини қайта ишлаш маркази» ДУК	Тошкент ш.
188.	««Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Марказий банк</b>		
189.	«Ахборотлаштириш бош маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>«Ўзстандарт» агентлиги</b>		
190.	«Ахборот-маълумот маркази» ДК	Тошкент ш.
191.	«Штрихли кодлаш маркази» ДК	Тошкент ш.
192.	«Метрологик хизматлар кўрсатиш маркази» ДК	Тошкент ш.
193.	«Ўзбекистон мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» ДК	Тошкент ш.
194.	«Синов ва сертификатлаштириш Республика маркази» ДК	Тошкент ш.

Т/р	Давлат мулки объектининг номи	Худуд
195.	«Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар синов ва сертификатлаштириш марказлари»	худудларда
<b>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси</b>		
196.	«Махсус автокорхона» ДУК	Тошкент ш.
197.	«Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси поликлиникаси» ДУК	Тошкент ш.
198.	«Телерадиоканал «Ёшлар»» АЖ	Тошкент ш.
199.	«Оқтош пансионати» ДУК	Тошкент вилояти
<b>Матбуот ва ахборот агентлиги</b>		
200.	«Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси» ДУК	Тошкент ш.
<b>Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги</b>		
201.	«Автодарётранс-илм» ДУК	Тошкент ш.
202.	«Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш, норматив-техник таъминлаш республика маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Фанлар академияси</b>		
203.	«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ишлар бошқармаси» ДУК	Тошкент ш.
204.	«Республика термитларга қарши курашиш маркази» ДУК	Тошкент ш.
205.	«Конструкторлик бюроси» ДУК	Тошкент ш.
206.	«Академтаъминот» ДУК	Тошкент ш.
207.	«Радиопрепарат» ДУК	Тошкент ш.
208.	«Махсустехтизм» ДУК	Тошкент ш.
<b>Олий аттестация комиссияси</b>		
209.	«Ахборот-коммуникацияларни ташкил этиш ва ривожлантириш маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>«Ўзбекнефтгаз» МХК</b>		
210.	«Кўқон механика заводи» АЖ	Фарғона вилояти
211.	«Қашқадарё нефтгаз ишчи таъминот» АЖ	Қашқадарё вилояти
<b>«Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК</b>		
212.	«Ўзагроэкспорт» АЖ	Тошкент ш.
<b>«Ўзвиносаноатхолдинг» ХК</b>		
213.	«Андижон биокимё заводи» АЖ	Андижон вилояти
214.	«Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖ	Қашқадарё вилояти
215.	«Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ	Самарқанд вилояти
216.	«Кўқонспирт» АЖ	Фарғона вилояти
<b>«Ўзкимёсаноат» АЖ</b>		
217.	«Жиззах пластмасса» АЖ	Жиззах вилояти
218.	«Навоизот» АЖ	Навоий вилояти
219.	«Самарқандкимё» АЖ	Самарқанд вилояти
220.	«Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖ	Тошкент вилояти

Т/р	Давлат мулки объектининг номи	Ҳудуд
221.	«Фарғонаазот» АЖ	Фарғона вилояти
222.	«Қўқон суперфосфат заводи» АЖ	Фарғона вилояти
<b>«Ўзбекэнерго» АЖ</b>		
223.	«Қишлоқэнерголойиҳа» АЖ	Тошкент ш.
224.	«Гидролойиҳа» АЖ	Тошкент ш.
<b>«Ўзагрокимёхимоя» АЖ</b>		
225.	«Самарқанд вилоят «Агрокимёхимоя»» АЖ	Самарқанд вилояти
226.	«Тошкент вилоят «Агрокимёхимоя»» АЖ	Тошкент вилояти
<b>«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ</b>		
227.	«Тоштемирйўллойиҳа» МЧЖ	Тошкент ш.
228.	«Боштранслоийиҳа» АЖ	Тошкент ш.
<b>«Ўзқурилишматериаллари» АЖ</b>		
229.	«Қизилқумцемент» АЖ	Навоий вилояти
230.	«Кварц» АЖ	Фарғона вилояти
<b>«Ўзбеккино» МА</b>		
231.	«Ўзбекфильм» АЖ	Тошкент ш.
232.	«Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси» МЧЖ	Тошкент ш.
<b>Тижорат банклари</b>		
233.	«Турон банк» АТБ	Тошкент ш.
234.	«Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» АТБ	Тошкент ш.
235.	«Асакабанк» АТБ	Тошкент ш.
236.	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	Тошкент ш.
237.	«Агробанк» АТБ	Тошкент ш.
238.	«Ипотекабанк» АТБ	Тошкент ш.
239.	«Микрокредитбанк» АТБ	Тошкент ш.
240.	«Алоқабанк» АТБ	Тошкент ш.
241.	«Ўзагроэкспортбанк» АТБ	Тошкент ш.
242.	«Ипак-йули» АТИБ	Тошкент ш.
<b>Суғурта компаниялари</b>		
243.	«Ўзагросуғурта» АЖ	Тошкент ш.
244.	«Алском» АЖ	Тошкент ш.
245.	«Мадад» АЖ	Тошкент ш.
246.	«Кафолат суғурта компанияси» АЖ	Тошкент ш.
<b>Биржалар</b>		
247.	«Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси» АЖ	Тошкент ш.
248.	«Ўзбекистон товар хом-ашё биржаси» АЖ	Тошкент ш.
249.	««Тошкент» РФБ» АЖ	Тошкент ш.
<b>«Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси</b>		
250.	«Бухоро гўшт-сут савдо» АЖ	Бухоро вилояти
251.	«Сурхондарё озиқ-овқат моллари» АЖ	Сурхондарё вилояти
252.	«Фарғона гўшт-сут савдо» АЖ	Фарғона вилояти

Т/р	Давлат мулки объектининг номи	Ҳудуд
<b>«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси</b>		
253.	«Контехназорат ўқув» ДУК	Тошкент ш.
254.	«Пайвандлаш ва изоляция ишларини текшириш лабораторияси» ДУК	Тошкент ш.
255.	«Саноат хавфсизлигига қўмаклашиш маркази» ДУК	Тошкент ш.
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		
256.	«Махсус дренаж-қурилиш корхонаси» ДУК	Нукус ш.
257.	«Тахиатош иссиқлик тармоғи» МЧЖ	Тахиатош ш.
<b>Бухоро вилояти</b>		
258.	«Бухоро қурилишинжиниринг» ДУК	Бухоро ш.
<b>Жиззах вилояти</b>		
259.	«Жиззах иссиқлик энергоқурилиш» МЧЖ	Жиззах ш.
<b>Қашқадарё вилояти</b>		
260.	«Қарши экспедицияси комплекси» ДУК	Қарши ш.
261.	«Шаҳрисабз юлдузи» ДУК (меҳмонхона)	Шаҳрисабз тумани
262.	«Ягона буюртмачи хизмати» ДУК	Муборак тумани
263.	«Механизациялашган санитар тозалаш» ДУК	Муборак тумани
264.	«Истиқлол гунчалари» БСО ДУК	Яккабоғ тумани
<b>Навоий вилояти</b>		
265.	«Архив сервис» ДУК	Навбахор тумани
<b>Наманган вилояти</b>		
266.	Наманган вилоят А. Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театри ҳузуридаги «Ёшлар театр студияси» ДУК	Наманган ш.
<b>Самарқанд вилояти</b>		
267.	«Мароқандобод» ДУК	Самарқанд ш.
268.	«Капитал қурилиш дирекцияси» ДУК	Самарқанд ш.
269.	«Афросиёб палас» ДУК	Самарқанд ш.
<b>Сурхондарё вилояти</b>		
270.	«Расмий меҳмонларни қабул қилиш ва меҳмонхона комплекси» ДУК	Термез ш.
<b>Сирдарё вилояти</b>		
271.	Гулистон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги «Бинолардан фойдаланиш бошқармаси» ДУК	Гулистон ш.
<b>Фарғона вилояти</b>		
272.	«Қиргули иссиқлик манбаи» МЧЖ	Фарғона ш.
<b>Хоразм вилояти</b>		
273.	«Хоразм троллейбус бошқармаси» ДУК	Урганч ш.
274.	«Хоразм йўл дренаж» ДУК	Урганч ш.
275.	«Вилоят ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилиши» ДУК	Урганч ш.
276.	«Хоразм вилояти боғдорчилик ва гулчилик» ДУК	Урганч ш.
277.	«Урганч махсус санитар транс» ДУК	Урганч ш.
278.	«Амударёпонтонкўприк» ДУК	Урганч тумани

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Ҳудуд
279.	«Қибла тозабоғ қароргоҳи» ДУК	Хива тумани
280.	«Хивадренаж» ДУК	Хива тумани
<b>Тошкент вилояти</b>		
281.	«Тошнур» ДУК	Кибрай тумани
282.	«Балиқчиликни ривожлантириш илмий-синаш станцияси» ДУК	Янгийўл тумани
<b>Тошкент шаҳри</b>		
283.	«Тошвилдренаж» ДУК	Бектемир тумани
284.	«Тошкент халқаро бизнес мактаби» ДУК	Миробод тумани
285.	«Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий биноларидан фойдаланиш дирекцияси» ДУК	Миробод тумани
286.	«Оромгоҳ» ДУК	Миробод тумани
287.	«Бинолардан фойдаланиш департаменти» ДУК	Миробод тумани
288.	«Тошкент шаҳар ҳокимлиги инвестиция департаменти» ДУК	Миробод тумани
289.	«Ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш суғориш, кўкаламзорлаштириш ва гидротехник иншоотлар трестига қарашли 2-сон қурилиш таъмирлаш бошқармаси» ДУК	Учтепа тумани
290.	«Чиқиндиларни қайта юклаш шохобчаларидан фойдаланиш корхонаси» ДУК	Учтепа тумани
291.	«Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи» ДУК	Учтепа тумани
292.	«Мустақиллик майдони кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаменти» ДУК	Чилонзор тумани
293.	«Чилонзор махсустрас инвест» ДУК	Чилонзор тумани
294.	«Тошкент шаҳар ҳокимлиги қурилиш ва инвестиция дастурлари департаменти» ДУК	Шайхонтохур тумани
295.	«Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» ДУК	Шайхонтохур тумани
296.	«Метрополитен капитал қурилиш» ДУК	Шайхонтохур тумани
297.	««Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг диагностика маркази» ДУК	Шайхонтохур тумани
298.	«Туркистон» ДУК	Юнусобод тумани
299.	«Метеоинфосистем» ДУК	Юнусобод тумани
300.	«Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси» ДУК	Яккасарой тумани
<b>Бошқалар</b>		
301.	«Бухоропарранда» АЖ	Бухоро вилояти
302.	«Автотрансстроймеханизация» АЖ	Навоий вилояти
303.	«УПП» АЖ	Навоий вилояти
304.	«Агалик-ломанн-парранда» АЖ	Самарқанд вилояти
305.	«Тошкент Осие» АЖ	Тошкент вилояти
306.	«Ангрен Пак» АЖ	Тошкент вилояти

Т/р	Давлат мулки объектнинг номи	Ҳудуд
307.	«Кўқонмаш» АЖ	Фарғона вилояти
308.	«Боғот автохизмат» АЖ	Хоразм вилояти
309.	«Хоразмсувқурилиш» АЖ	Хоразм вилояти
310.	«1-сонли ошхона» ДУК	Тошкент ш.
311.	«2-сонли ошхона» ДУК	Тошкент ш.
312.	«Давтехназорат» ДУК	Тошкент ш.
313.	«Ботиометрик марказ» ДУК	Тошкент ш.
314.	«Трансйўлқурилиш» ДУК	Тошкент ш.
315.	«Отель «Ўзбекистон»» МЧЖ	Тошкент ш.
316.	«Ўзмахсумонтажқурилиш» АК	Тошкент ш.
317.	«Тошшаҳартрансхизмат» АК	Тошкент ш.
318.	«Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» АЖ	Тошкент ш.
319.	«Шарқ» НМАК	Тошкент ш.
320.	«РИЛК Қурилишмашлининг» АЖ	Тошкент ш.
321.	«Қурилиш бирлашмаси» АЖ	Тошкент ш.
322.	«Ўзбекистон» АЖ	Тошкент ш.
323.	«Марказий Ипподром» АЖ	Тошкент ш.
324.	«Сентрал Азия Мегастар» МЧЖ	Тошкент ш.
325.	«Қишлоққурилишинвест» ИК» МЧЖ	Тошкент ш.
326.	«Мулк-сармоя брокерлик уйи» АЖ	Тошкент ш.
327.	«Элсис-савдо» АЖ	Тошкент ш.
328.	«Ўзмедлизинг» АЖ	Тошкент ш.
329.	«Совпластитал» АЖ	Тошкент ш.
330.	«Гермес петрол системс» АЖ	Тошкент ш.
331.	«Газавтоматика» АЖ	Тошкент ш.
332.	«Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармаси» АЖ	Тошкент ш.
333.	«Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» АЖ	Тошкент ш.
334.	«Дори-дармон» АК	Тошкент ш.
335.	«Московско-Узбекский гостинично-коммерческий центр» АЖ	Россия Федерацияси
336.	«Инвестстрой» АЖ	Россия Федерацияси
337.	«Узтйомендорстрой» йўл-қурилиш трести	Россия Федерацияси
<b>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича</b>		
338.	Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат мулкани ижарага бериш марказлари	
339.	Табиий монополия субъектларининг давлат реестрига киритилган хўжалик жамиятларидаги давлат улуши (акцияси)	
340.	Товар ва молия бозорида устун мавқеига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестри рўйхатига киритилган хўжалик жамиятларидаги давлат улуши (акцияси)	
341.	Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига биноан хусусийлаштирилиши белгиланган давлат мулки объектлари	

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 16 июндаги  
ПҚ-3067-сонли қарорига  
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими томонидан  
хусусийлаштириш тўғрисида қабул қиладиган қарорлари  
асосида давлат мулки объектлари рўйхатини белгилаш  
МЕЗОНЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4933-сонли Фармонига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ностратегик давлат мулки объектларини сотиш тўғрисида фақат уларнинг бўйсунувидаги ҳудудда жойлашган объектлар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ностратегик давлат мулки объектларини сотиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича буюртманомаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш иловага асосан схема бўйича амалга оширилади.

3. Ностратегик давлат мулки объектларини сотиш бўйича таклифлар ва буюртманомалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан белгиланган тартибга мувофиқ тузиладиган ҳудудий танлов комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

4. Ҳудудий танлов комиссиялари давлат мулки объектларини сотиш бўйича қуйидагилар:

давлат ва хўжалик бошқарув органлари;

давлат органлари — давлат унитар корхоналари таъсисчилари, хўжалик жамиятларининг акциядори (улушдори) бўлган;

давлат мулкнинг баланс сақловчилари;

нодавлат юридик ва жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ёки норезидентлари) томонидан тақдим этилган таклифлар ва буюртманомаларни кўриб чиқади.

5. Ҳудудий танлов комиссиялари давлат мулки объектларини сотиш бўйича тушган таклифлар ва буюртманомаларнинг қуйидаги тўртта мезондан бирига ёки бир нечтасига мувофиқлигини кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

ҳокимлари томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилишлари учун кўриб чиқади:

1) бўш турган ёки фойдаланилмаётган бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони 2000 квадрат метргача бўлган давлат мулки объектлари;

2) қурилишини тугатишга молиялаштириш манбаи бўлмаган, бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони 2000 квадрат метргача бўлган қурилиши тугалланмаган объектлар;

3) тугатишга доир иш юритиш жараёнида сотилмаган ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига берилган бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони 2000 квадрат метргача бўлган объектлар;

4) хўжалик жамиятлари ва бошқа ташкилотлардаги давлат улушлари (акциялари), агар:

асосий воситаларнинг баланс қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг эллик минг бараваридан кўп бўлмаса;

ишчиларнинг ўртача йиллик сони 500 кишидан ошмаса.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг давлат мулки бўлган объектларини, шунингдек эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотларни сотиш бўйича қарор қабул қилишлари мумкин эмас.

7. Давлат органларининг ҳудудий бўлинмаларига бириктириб берилган давлат мулки объектларини сотиш бўйича таклифлар ва буюртманомалар ҳудудий танлов комиссиялари томонидан фақат уларнинг юқори турувчи республика органларининг розилиги мавжуд бўлган тақдирда кўриб чиқилади.

8. Давлат мулки объектларини сотиш бўйича таклиф ва буюртманомаларнинг ҳудудий танлов комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қарорларининг қабул қилиниши Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорига асосан амалга оширилади.

Бунда, қуйидаги талабларга сўзсиз амал қилинишини ва уларнинг бажарилиши таъминланиши шарт:

давлат мулки объектини хусусийлаштиришга қонунчиликка мувофиқ чеклов ва тақиқлар йўқлигини аниқлаш;

давлат мулки объектини сотиш пайтида ундан жамият ва аҳоли ижтимоий қатлами эҳтиёжини қондиришга ва фойдаланишга эҳтиёж йўқлигини аниқлаш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

бепул ва пуллик хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга оширишда ошкораликни давлат ва жамоат назоратини таъминлаш;  
инвесторлар учун тенг рақобат шароитларини таъминлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар  
Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент  
шаҳри ҳокими томонидан хусусийлаштириш  
тўғрисида қабул қиладиган қарорлари асоси-  
да давлат мулки объектлари рўyxатини  
белгилаш мезонларига  
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича буюртманомаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I босқич	Ташаббускорлар (давлат органлари, объектларнинг балансда сақловчилари, юридик ва жисмоний шахслар) Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи, ҳудудий танлов комиссияси	1. Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича буюртманомалар ва таклифлар бериш.  2. Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан буюртманомалар ва таклифларни кўриб чиқиш. 3. Масалани кўриб чиқиш учун ҳудудий танлов комиссиясига киритиш.	хоҳишига кўра  бир ой муддатда
II босқич	Ҳудудий танлов комиссияси	1. Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича буюртманомалар ва таклифларни тасдиқланган мезонларга мослигини кўриб чиқиш. 2. Давлат мулки объектини хусусийлаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни бериш. 3. Хусусийлаштириш дастури лойиҳасини шакллантириш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тасдиқлаш учун киритиш*	бир ой муддатда  Буюртманома келиб тушишига қараб (аммо йилига камда бир марта)
III босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари	Давлат мулки объектини хусусийлаштириш бўйича қарор қабул қилиш, хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш*	10 кун ичида
IV босқич	Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи	Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган давлат мулки объектларини сотиш**	белгиланган муддатларда

**25 (785)-сон**

**— 63 —**

**529-530-моддалар**

\* Бошқа давлат мулки объектларини сотиш бўйича бошқа буюртманома ва таклифлар бўлмаганда, заруратга кўра, хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор битта давлат объекти бўйича якка тартибда ҳам қабул қилиниши мумкин.

\*\* Давлат мулки объектларини, шу жумладан, ҳудудий хусусийлаштириш дастурларига киритилган объектларни сотиш Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябридаги 279-сон қарори билан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.